



## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI PREZIDENTINING FARMONI

2023 yil « 2 » сентябрь

№ ПФ–155

### Тўқимачилик саноатини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида

Тўқимачилик саноати корхоналарининг мавжуд имкониятларини тўлиқ сафарбар этиш, уларнинг экспорт салоҳиятини янада ошириш мақсадида:

**1.** Газлама, трикотаж мато ва тайёр тикув-трикотаж маҳсулотларини экспорт қилувчи корхоналарни револьвер кредитлаш асосида айланма маблағ билан таъминлаш учун Экспортни қўллаб-қувватлаш жамғармасига буюртмаларга асосан 2023 йилда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан қўшимча 50 миллион АҚШ доллари 2026 йил 1 январга қадар қайтариш шarti билан йиллик 4 фоиз ставкада ажратилсин.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 январдаги “Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш, тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда соҳанинг экспорт салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–2-сон Фармонига иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

**3.** Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Бош вазир ўринбосари Ж.А. Ходжаев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси  
Президенти



Ш.Мирзиёев

Тошкент шаҳри

Ўзбекистон Республикаси Президентининг  
2023 йил 2 сентябрдаги ПФ–155-сон Фармониغا  
илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 10 январдаги  
“Пахта-тўқимачилик кластерлари фаолиятини қўллаб-қувватлаш,  
тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини тубдан ислоҳ қилиш ҳамда  
соҳанинг экспорт салоҳиятини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги  
ПФ–2-сон Фармониغا киритилаётган ўзгартиришлар**

2-бандининг “а” кичик бандида:

иккинчи хатбошидаги “2023 йилда 50 миллион АҚШ доллари ва 2024 йилда 150 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар 2026 йил 1 январга қадар қайтариш шarti билан йиллик 4 фоиз ставкада” сўзлари “2023 йилда 100 миллион АҚШ доллари ва 2024 йилда 150 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маблағлар 2024 йил августдан бошлаб 2026 йил 1 январга қадар қайтариш шarti билан йиллик 4 фоиз ставкада” сўзлари билан алмаштирилсин;

учинчи хатбошидаги “100” рақами “50” рақамига алмаштирилсин.

